

**Вақтинчалик чиқинди ташлаш жойлари бўлган корхона
(ташкilot, муассаса ва юридик шахс) лар маиший
чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш
ШАРТНОМАСИ № 37**

« 26 » 01 2022й

Урганч шаҳар

Бундан буён матнда «Ижрочи» деб аталувчи, Низом асосида фаолият олиб боровчи «Urganch Avto Eko Trans» МЧЖ номидан раҳбар Э.Шехов бир томондан, ва бундан буён матнда «Буюртмачи» деб юритилувчи ташкilot (муассаса) Р.Ш.Т.Э.И.М. Кор. фирм. номидан Низом асосида иш юритувчи А.А. Саидов, иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

1. Шартнома мазмуни

1.1 «Буюртмачи» топширади, «Ижрочи» эса шартнома иловсида кўрсатилган тегишли ташкilotлар томонидан тасдиқланган ҳақ эвазига «Буюртмачи»нинг сўровномасига асосан қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш хизматларини бажаришни ўз зиммасига олади. «Буюртмачи» эса кўрсатилган хизматлар учун тўловларини ўз вақтида тўлаб боришни ўз зиммасига олади.

1.2 Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг умумий ҳажми бир ойга ўртача 35 куб (м3), бир йилда 1 қорак у-н 105 куб (м3).

1.3 Суюқ чиқиндиларнинг умумий ҳажми бир ойга ўртача _____ (м3), бир йилда _____ (м3).

2. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

2.1 Ушбу шартномани имзолаш пайтида амалдаги нарх ҳар бир м.куб қаттиқ маиший чиқинди учун 48 000,00 сўм. ҚҚС улуши билан 55 200,00 сўмни, бир м куб суюқ чиқинди учун 69 500,00 сўм.ҚҚС (15) фоиз билан 79 925,00 сўмни ташкил қилади.

2.2 Шартноманинг йиллик умумий қиймати 5796 000 (Беш миллион етти юз тўқсон олтми минг) сўмни ташкил қилади.

2.3 Ҳисоб-китоблар шартномда кўрсатилган суммани олдиндан 30 фоиз «Ижрочи» нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.4 Ҳар ойнинг 25 санасигача ўтган ҳисобот ой учун кўрсатилган хизмат тўловларини «Ижрочи» нинг ҳисоб рақамига белгиланган тартибда тўлиқ тўлаб бериш.

2.5 Тўлов тури: Пул ўтказиш орқали.

3. «Буюртмачи» мажбуриятлари

3.1 Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндилар ташланадиган қутиларни қурилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндилар, шох-шаббалар билан тўлдирмаслик, аксинча уларни махсус жойга йиғиш ҳамда бу чиқиндиларни ташиб кетиш учун алоҳида бир маротабалик шартнома тузиш.

3.2 Чиқинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш қурилмаларига автомашиналарнинг эркин ҳаракатланиши ва яқинлашишини ҳамда чиқинди қутиларини доимо соз ҳолда сақлашни таъминлаш.

3.3 Бажарилган ишнинг ҳажмини «Ижрочи»нинг ҳужжатларида «Буюртмачи» вакилининг имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқлаб бориш.

3.4 Ҳар ойнинг бошида ўтган ойда бажарилган иш ҳажмини бажарилганини кўрсатувчи ҳисоб далолатномаси расмийлаштириш. «Ижрочи»га тегишли махсус қаттиқ маиший чиқинди ташишга мўлжалланган автотранспортларнинг юк ташиш ҳажми 7 м куб, 12 м куб ва 18 м кубни ташкил қилади.

4. «Ижрочи»нинг мажбуриятлари

4.1 Алоҳида шартнома ва тўловлар асосида «Ижрочи» «Буюртмачи»га чиқинди йиғиш қутиларни керак бўлган миқдорида тайёрлаб бериш ва сотиш.

4.2 «Буюртмачи» ҳудудидан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни, ташланадиган махсус қутилардан махсус автомашиналарда жадвал асосида олиб чиқиб кетилишини таъминлаш.

4.3 “Буюртмачи”нинг буюртмасига асосан қўшимча тўлов ҳисобига қурилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндиларни, шох-шаббаларни олиб чиқиб кетиш учун транспорт ажратиш.

4.4 “Буюртмачи” томонидан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушгандан сўнг 1 кун муддат ичида “Буюртмачи” ҳудудидан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш.

4.5 Бириктирилган йўналишда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

5. Томонларнинг жавобгарликлари

5.1 “Ижрочи” томонидан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндилар келишилган вақтда олинмаган тақдирда “Буюртмачи” _____ телефонлар орқали “Ижрочи” нинг вакилини далолатнома тузиш учун чақиртириши керак.

Агар “Ижрочи” ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 24 соат ичида қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндилар олиб чиқиб кетилмаса, “Буюртмачи” жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномада кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асос ҳисобланади.

5.2 “Ижрочи” ўз вақтида қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида ҳар бир кун учун олиб чиқиб кетмаган қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндилар ҳажми қийматидан 0,4 % миқдорда, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50 %дан ошмаган миқдорда “Буюртмачи”га пеня тўлайди.

5.3 “Буюртмачи” шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорда, лекин кечиктирилган тўловнинг 50 % дан ошмаган миқдорда “Ижрочи” га пеня тўлайди.

5.3 Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

6. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1 Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар томонларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал қилиниши мумкин бўлмаган ҳолларда ҳўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

6.2 Томонларнинг манзили, корхона номи, ҳисоб рақами ўзгарган тақдирда ҳамда қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндилар ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот беради.

6.3 Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларнинг ҳажми “Буюртмачи” нинг айби билан тақдим этилмаса, ёки “Буюртмачи” “Ижрочи” нинг юк ташиш ҳужжатларини расмийлаштиришдан бош тортса, “Ижрочи” жамоатчилик вакили иштирокида далолатнома тузади. Ушбу далолатнома иш тўлиқ миқдорда бажарилди деб ҳисобланишига ва тўлиқ миқдорда тўлов амалга оширилишига асос бўлади.

7. Форс-мажор.

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва энгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимираши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

7.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

7.3 Форс-мажор ҳолати содир бўлганда томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятлардан озод этиладилар (корхонанинг тугатилиши, раҳбар ёки жавобгар шахс ўзгариши, молиявий қийинчиликлар қабилар форс-мажор ҳолатига кирмайди).

8. Қўшимча шартлар

8.1 “Ижрочи” хом-ашё, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгариши муносабати билан белгиланган тартибда бир томонлама хизмат нархларини ўзгартиришга ҳақлидир ва у “Буюртмачи”ни бу тўғрида ёзма равишда огоҳлантиради.

9. Шартноманинг муддати

9.1 Бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар билан тузилган шартномалар тегишли ҳудудий Ғазначилик бўлимларида рўйхатга олинган кундан бошлаб қонуний кучга кирилади ва амал қилиш муддати жорий 20 22 йилнинг 31 декабригача белгиланади.

9.2 Шартномани муддатидан олдин тўхтатмоқчи бўлган томон иккинчи томонни бу ҳақида бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради, акс ҳолда шартнома шартлари ўз кучини йўқотмаган ҳисобланади.

9.3 Томонлар шартнома муддати тугагандан сўнг ёзма равишда бошқа муносабат билдирмасалар шартнома бекор қилинганга қадар кучини йўқотмаган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар билан тузилган шартномалар бундан мустасно.

9.4 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусхада тузилиб, бир нусхаси “Буюртмачи”да, иккинчи нусхаси “Ижрочи”да сақланиб бир нусхаси тегишли ғазначилик бўлимларига тақдим қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилиб тегишли ҳолларда ҳудудий ғазначилик бўлимларида рўйхатдан ўтгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб уч нусхада тузилган.

11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: _____

11.3. Шартномага илова: _____

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳлари ва тўлов реквизитлари

«Ижрочи»

“URGANCH AVTO EKO TRANS” МЧЖ

Манзил: Хоразм вилояти Урганч шаҳар

Хонқа кўчаси 101/1 уй

Тел: 97-360-60-04


Х/р 20 208 000 100 719 010 001

ТИФ Миллий Банк Урганч филиали

МФО 00547. СТИР: 304 610 084.

ОКОНХ

Раҳбар:



Э.Шехов

«Буюртмачи»

RSHTYOIM XORAZM FILIALI

Манзил:

URGANCH SH. KATANIYAZOV K.1-UY

STIR: 201889155 IPOT: 91515

SH/X/R: 100011860584017078102080001

SH/X/R:

Тел/факс

MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI

X/R: 23402000300100001010

шх/р

STIR: 201122919 MFO: 00014

MARKAZIY BANK TOSHKENT SHAHAR BOSH BOSHQARMASI XKKMI


DIREKTOR:

СТИР:


ОКОНХ:



Раҳбар:



МУ

Юридик хизмат: 
D. Kalamov

ИЛОВА

№	Чикинди хосил бўладиган объектлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллик ўртача йиғиладиган меъёр м ³	Микдори	Меъёр бўйича умумий иш хажми м ³
1	Корхона	1 ходим	0,25		
1.	Касалхона, санатория	1 ўриндик	0,7		
2.	Мехмонхона	1 ўрин	0,7		
3.	Ётоқхона	1 талаба	1		
4.	Ўқув муассасалари (олийгоҳ, коллеж, мактаб, лицей)	1 талаба	0,12		
5.	Театр, кинотеатр	1 ўрин	0,2		
6.	Чойхона, ошхона, тўйхона	1 ўрин	0,21		
	-фойдаланиш майдони	1м ²	0,2		
	-овкат тайёрлаш хонаси	1м ²	0,46		
7.	Омборхона, ишлаб чиқариш цехлари	1м ²	0,23		
8.	Озик овкат дўкони	1м ²	0,46		
9.	Хўжалик моллари дўкони	1м ²	0,22		
10.	Аралаш моллар дўкони	1м ²	0,32		
11.	Матбуот тарқатувчи, тикувчилик, саргарошхона ва хаказо маъиший хизмат кўрсатиш муассасалари	1м ²	0,05		
12.	Бозорлар, сотув расталари	1м ²	0,036		
13.	Офислар	1м ²	0,19		
14.	Дорихона	1м ²	0,15		
15.	Соғлиқни сақлаш маркази, поликлиника, стоматология, хусусий клиникалар	1 келувчи	0,02		
16.	Мактабгача таълим муассасалари	1 келувчи	0,24		
17.	Мойка, автомобилларга техник хизматлар	1м ²	0,15		
18.	Заправка	1м ²	0,12		
19.	Компьютер хизматлари, студиялар	1м ²	0,021		
20.	Асфальтланган ер майдони	1м ²	0,05		
21.	Кўкаламлаштирилган ер майдони	1м ²	0,065		
	ЖАМИ:	м ³			

Берилган маълумотлар ҳаққонийлигига кафолатланади.

Чикинди хажми меъёри 0,429 т/м³



(имзо)

(Ф.И.Ш)

Д.А. Сомаев